

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ
БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА**

Меликулов Нуржов Латифович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Касбий
тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувучиси Тел: 99 000 67 14*

Аннотация. *Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш борасида Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари билан бошланғич, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курсларини олиб бориш жараёнига бағишланган.*

Annotation. *This article refers to the decision of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to introduce a qualitatively new system of training professional personnel for internal affairs bodies" to introduce a completely new system of training specialists for internal affairs bodies, to ensure the growth of employees according to their qualifications, as well as the strength and in order to further increase the intellectual and professional potential of the leading personnel in the effective management of means, dedicated to the process of conducting initial, retraining and advanced training courses with the employees of the sectoral services of the internal affairs bodies at the Training Institute of the Ministry of Internal Affairs.*

Калит сўзлар: *бошланғич, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш.*

Keywords: *initial, retraining, advanced training.*

Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзга-ради.

Ш. Мирзиёев

Бугун биз ҳар томонлама тараққий топиб бораётган, ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб тинч, осойишта ҳаёт кечираётган, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган мамлакатда яшамоқдамиз. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотлар Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олижаноб, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган фидойи, виждонли ходимларни тарбиялаб етиштириш вазифасини қўймоқда. Чунки бугунги мураккаб шароитда ички ишлар идоралари ходимларининг халқ олдидаги нуфузини кўтариш, уларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш бевосита ана шу ислоҳотлар самарасига боғлиқ.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада оширишга қаратилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг “Ички ишлар органлари ходимлари билан малака ошириш, қайта тайёрлаш ва масофадан ўқитиш ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари билан бошланғич, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курслари олиб борилмоқда.

Унда, ички ишлар органларининг турли соҳаларида хизмат қилаётган навбатдаги махсус унвонини оладиган соҳавий хизмат ходимларини бошланғич, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курслари машғулотларини самарали ва юқори савияда ўтказиш учун республика давлат бошқаруви ва ҳуқуқ-тартибот органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, етакчи таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, бой амалий тажриба ва юқори малакага эга илмий-педагогик ходимлар ҳамда мутахассислар, шунингдек, ички ишлар вазирлигининг тегишли соҳавий хизматларининг малакали ходимлари ҳам жалб этилмоқда.

Машғулотлар давомида тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг мазмун ва моҳияти етказилиши баробарида, ўқув жараёни модуль тизимида ташкил этилиб, машғулотларда инновацион педагогик

технологиялар, интерфаол методлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий давлатлар тажрибасини қўллаш орқали, тингловчиларга соҳага оид амалдаги норматив ҳужжатларни мазмун моҳияти ва талабларини ўргатиш билан биргаликда, уларнинг билимлари, касбий тайёргарлиги, назарий ва амалий кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлар идораси ҳузуридаги Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти профессор-ўқитувчилари «Ноисломий диний ташкилотларнинг миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ ноқонуний фаолиятига қарши курашишни ташкил этиш», «Мутаассиблик, экстремизм, терроризм тушунчаларининг мазмун-моҳияти, ғоявий илдизлари» ва «Халқаро терроризм ва диний экстремизм – тараққиёт душмани» мавзуларида тушунчалар берилганлиги, бундан ташқари Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида терговчилар ва суриштирувчилар учун “Экспертиза текширувлари учун намуна олиш ва экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал тартиби” мавзусида давра суҳбати ўтказилганлиги, суд-экспертиза фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилиши билан бирга, Марказ бўлим ва лабораториялари билан яқиндан таништириб борилди ҳамда тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларига экспертлар томонидан жавоблар олишди.

Тингловчиларнинг “Ғалаба боғи” мажмуасига ташрифи давомида иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва фронт ортида меҳнат қилган юртдошларимиз қаҳрамонлиги, жасоратларини экспонатлар ва тарихий ҳужжатлар асосида кўришган бўлсалар, институтда ташкил этилган “Китоблар оламига саёҳат” тадбири асносида китоб ярмаркаси ташкил этилиши китобга бўлган эътибор, китобхонлик савиясини оширишга хизмат қиладиган тадбирлардан бири бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек «Китобсиз келажак йўқ!», «Китоб ўқиган халқ, миллат асло кам бўлмайди».

Бир сўз билан айтганда, тингловчиларнинг ўқув жараёнида олган янги билимлари ва касбий маҳоратга эга бўлишлари соҳа ходимларини маънавий куроллантиради, қўшимча куч ва ғайрат бағишлайди ҳамда иш фаолиятини янгича ёндошган ҳолда олиб боришларига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонун;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон [Фармон](#);
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050 сон қарор;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарор.